

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ**

Музыкальное искусство и образование: традиции и инновации

2019

УДК 378
ББК 74.48
Р76

Редакционная коллегия:

О.Х.Хамидов, доктор экономических наук, профессор;
В.Я.Рушанин, доктор исторических наук, профессор;
Ш.Ш.Олимов, доктор педагогических наук, профессор;
Б.С.Сафаралиев, доктор педагогических наук, профессор;
Б.Х.Мадримов, кандидат педагогических наук, профессор
А.П.Хмелева, кандидат педагогических наук, доцент

Музыкальное искусство и образование: традиции и инновации: сб. материалов междунар. науч. конф./под общ. ред. О.Х.Хамидова; сост. А.П.Хмелева, К.Ф. Абдуллаев –Бухара: БухГУ, 2019. – 320 с.

В сборник включены материалы исследований профессорско-преподавательского состава, молодых ученых, Бухарского государственного университета, Челябинского государственного института культуры, ВУЗов Казахстана и Узбекистана.

Предназначен для ученых, преподавателей вузов, практических работников учреждений социально-культурной сферы, студентов средних специальных и высших учебных заведений.

© Бухарский государственный университет, 2019
© Челябинский государственный институт культуры, 2019

позитивно через сотрудничество или компромисс. Большинство учащихся (35%) сами идут на конфликт и предпочитают решать его через соперничество. Избегание и приспособление составляют 40%, как видно на рисунке 2. Поступки этих респондентов можно назвать нерациональными и некомпетентными в коммуникации. И только 25% учащихся (сотрудничество – 15% и компромисс – 10%) способны успешно и грамотно разрешать конфликтные ситуации. Соотношение, как видно из исследования, не в пользу грамотно сформированных навыков компетентности в коммуникации.

Ученые, исследующие особенности формирования коммуникативных навыков, утверждают, что данный процесс зависит также от умения субъекта устанавливать гармоничные отношения с самим собой. Умение говорить правду себе и о себе, самокритичность, целеустремленность, умение отстоять свои убеждения и предпочтения – эти и другие качества обнаруживаются в человеке личность.

Литература:

1. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Шарқ, 1999. – с. 84.
2. Мустакиллик: изохли илмий-оммабоп лугат. Иккинчи нашри. Тошкент: Шарқ, 2000. – с. 69.
3. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Адолат, 1992 г

XIII АСРДАН XIV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГАЧА МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА МАКТАБ МАЗМУНИ

Избуллаева Гулчехра Валериевна

педагогика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори

Бухоро давлат университети

Шерназаров Зухриддин Зулфиддин ўғли

1-босқич магистранти БухДУ

Аннотация: XIII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача Мовароуннаҳр ва Хуросонда мактабда таълим тизими, таълим жараёни ҳамда мазмуни, фан, дарслеклар (чоркитоб), таълим шакл, метод, воситалари, назорат, имтиҳон борасида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: мактаб, таълим тизими, жараёни, мазмуни, фан, дарслеклар, чоркитоб, таълим шакл, метод, воситалари, назорат, имтиҳон, кутубхона

XII-XIII асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Урганч, Марв, Балх, Нишопур каби йирик шаҳарларида мактаб ва мадрасалар таомиллашган ва улар Шарқ халқлари учун етакчи ўқув юртига айланган. Мактаб ва мадрасалар масжидлар қошида ташкил этилган. Мактаб ва мадрасаларда ёшларга маълум дастур асосида таълим ва тарбия берилган.

Таълим-тарбиянинг асосий мақсади ёшларга диний ва дунёвий билим асосларини ўргатишга, уларда гўзал ахлоқ-одоб ва энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган.

Мактаб – Ўрта Осиёда бошланғич таълим муассасаси саналган. «Мактаб» сўзи арабча «ёзадиган жой» маъносини англатади. Мактаблардаги таълим тизими бир қанча босқичли ва пухта ташкил этилгани боис савод ўрганиш кўп вақтни олар эди. Чунончи, фақатгина алифбони ўрганишга 3-4 ойдан бир йилгача, баъзида ундан ҳам кўп вақт сарфланар эди. Ҳар бир мактабда 20 га яқин ўқувчи билим олганлар [4;123].

Мактаб дарсларини муллалар олиб борган. Мулла – Ўрта Осиё мамлакатларида мусулмон одатининг билимдони, дин хизматчиси, диний мактаб ўқитувчиси, саводли, илмли киши ҳисобланган. Домулла – катта мулла деган маънени англашган.

Ўрта асрларда барча мусулмон мамлакатларида таълим-тарбия тизими уч босқичдан: бошланғич таълим, умумтаълим ва олий таълим босқичларидан иборат бўлган.

Бошланғич таълим масжидлар қошидаги мактабларда берилган, у беш йилга мүлжалланган ва ўқувчилар 4-5 ёшдан қабул қилинганды, қабул қилиш ёши қатый чегараланмаган. Ўғил болалар масжид имомлари, қызлар аёл халфалар қўлида тарбияланган [2; 41-42]. XIII асрдан бошлаб ҳар бир масжид имоми барча ўғил болаларни Куръонни ўқитиш мажбуриятини олган ва бу фаолиятни текширувчи маҳсус ходимлар ҳам тайинланган. Мактаб таъминоти масжид ҳамда ота-оналар ёрдамида таъминланган. Ҳар бир мулла ўқувчиларни ўзининг ўқитиш методикаси бўйича ўқитган. Шунинг учун мактабларда ягона ўқитиш дастурлари мавжуд бўлмаган.

Бошланғич мактабларда араб ёзуви ва ўқиши, Куръони Карим ва ҳадисдан олинган намуналар, абжад ҳисоби, шеърий китоблар, панднома, ахлоқ-одоб ўқитилган. Ўқиши давомийлиги об-ҳаво, миллый маросимлар, байрамлар билан белгиланиб баъзида ота-оналар фикрлари ҳам инобатга олинган. Ўқиши сисиқ кунларда 2-3 ойгача тўхтатилган. Ўқиши кунининг бошланиши ва тугаши аниқ вақт билан белгиланмаган. У қадимий анъанага кўра кун ёришиши ва ботиши «саҳардан шомгача» бўлган. Ўқувчилар ўрганилаётган фанга қараб гурухланган: «Тахтахона» (мулла томонидан ёзилган тахтачада алифбони ўрганиш), «Абжадхона» (Абжад ўқувчилар), «Ҳафтиякхона» (Ҳафтияк ўқувчилар), ва «Куръонхона» (Куръон ўқувчилар) деб юритилган. Ўқувчилар синфдан-синфга кўчирилмаган фақат ўқиши гурухини тугатганига қараб кейинги гурухга ўтказилган [1; 156]. Яхши ўқийдиган ўқувчилар мулла томонидан тақдирлаб борилган. Айрим мактабларда ёзиш ҳам ўргатилган. Ўқиши хижжалаб ўқитиш усули асосида амалга оширилган. Товуш асосида ҳарфлар номлари белгиланган.

Ўқувчилар дастлабки ўқиши кўникмаларини эгаллаганларидан сўнг «Ҳафтияк»ни (форсча, «Куръоннинг еттидан бир қисми») ўқишини бошлаганлар. Ушбу китоб Куръони каримнинг диний маросимларни адo этишда кўпроқ (13-14 та) ўқиладиган кичикроқ сураларини ўзида жамлаган, қироат китоби шаклига келтирилган. «Ҳафтияк»ни ўқиши мактабларда икки йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ давом этган. «Ҳафтияк» мактабларда хрестоматия вазифасини ўтаган биринчи қўлланма ҳисобланади.

Ўқувчилар «Ҳафтияк»ни тугатганларидан сўнг «Чор китоб» (Тўрт китоб)ни ўқишига киришганлар.

«Чаҳор китоб» ёки «Чор китоб» [3]. Куръони карим ва Ҳадиси шарифдан ҳамда ислом аҳкомларини тўқис таърифлаб берилган алоҳида китоб, дарслик бўлмаган. Куръони карим, Ҳадиси шариф араб тилида битилган бўлиб, унинг маъноларига тушуниш, уларни шарҳлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Мадраса ва мактабларда оммабоп тилда толиблар ёш-хусусиятларига мос дарслик яратиш эҳтиёжи пайдо бўлган ва «Чаҳор китоб» ёки «Чор китоб» (Тўрт китоб)и яратилган. Қадимий Турон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Қошғар ва бошқа мамлакатларнинг илм толиблари учун неча асрлардан бери «Чаҳор китоб» дарслик ҳисобланиб келинган.

«Чаҳор китоб» – исломга оид панд-насиҳатлар китоби. Зеро, «Чаҳор китоб»да шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат йўли, қоидаси баён қилинган. «Чаҳор китоб» ҳар хил даврларда турли муаллифлар томонидан тузилган. «Чаҳор китоб» муаллифи ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд эмас. Муаллифлари тахминан: Шарафиддин ал-Бухорий, Қози Азудиддин, Жалолиддин Кеший, Имом Фаззолий, Фаридуддин Аттор. Китоб форс-тожик тилида ёзилган, туркий-ўзбек тилидаги таржималари мавжуд ва ҳозирги кунгача етиб келган.

Манбаларга кўра биринчи дарслик «Чаҳор китоб» Шарафиддин Саноий ал-Бухорий томонидан яратилган. Шарафиддин Саноий ал-Бухорий – фақих ва мударрис, мутасаввиф шоир XIII асрнинг 2 ярми XIV асрнинг бошларида Бухоро вилоятининг ҳозирги Шоғиркон туманида туғилган. Бухоро мадрасаларида мударрислик қилган. «Чор китоб» Ислом динига оид панд-насиҳатлар китоби саналиб, ўрта асрларда мадрасалар ва мактабларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилган. Китоб хотимасида ёзилишича, бу асар мелодий 1300 йилда битилган.

Дарслик диний таълимот талабларини қамраб олган, тушунарлилик, илмийлик,

изчиллик ҳамда системалик принципларига риоя қиласи. «Чор китоб» 2 шеърий ва 2 насрий мажмуа тарзида ёки 4 боб шаклида тузилган ва унинг биринчи китоб (боби) – «Номи Ҳак» («Аллоҳ номи») форс-тожик тилида ёзилган. Биринчи китоб [3; 4] бир юз етмиш байту ўн икки бобдан иборат. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қонун-коидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилган.

«Чаҳор китоб»нинг иккинчи китоб (боби) [3; 19] Қози Азмуддиннинг «Бидон» (Билгил) номли китобидан олинган ва юқоридаги масалалар изоҳ шаклида анча кенг ёритилган парчалар ўрин олган. Ўшбу қисм тўрт фаслдан иборат: имон маърифати баёнида; ислом маърифати баёнида; таҳорат баёнида; намоз маърифати баёнида.

«Чаҳор китоб»нинг учинчи китоб (боби) [3; 55] Жалолиддин Кешийнинг «Муҳиммот ал-муслимин» (Мусулмонликнинг муҳим масалалари) дан олинган. Учинчи қисмда ўқувчиларни шариатнинг асосий устуни, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги ўрин олган.

«Чаҳор китоб»нинг тўртинчи китоб (боби) [3; 81] Фаридуддин Атторнинг «Панднома» (Насиҳат китоби) асаридан келтирилган назмий маълумот ўрин олган.

Дарслиқда тўрт нарсанинг амали баёнида:

Тўрт нарса яхши бўлгай шубҳасиз,
Сенга айтсам ўрганиб ол, эй азиз:
Аввали улдирки, бўлсанг додгар,
Ўзлигингдан ҳам ақлдан боҳабар.
Сабру тоқат бирла ҳал қилмоқ керак,
Хурмату мардумни ҳам билмоқ керак [3; 130], – деб келтирилади.

Мазмунига кўра додгар (одил, адолатпеша) бўлиш учун тўрт нарсани яхши билиш лозим. Ўзлигини англаши, ақл билан иш юритиши, ҳар бир маслани сабр-тоқат билан ҳал қилиши ҳамда ҳалқни хурмат қилиши, эъзозлаши лозимлиги айтиб ўтилган.

Дарслиқда бунга ўхшаш панд- насиҳатлар Қуръони каримдан олинган одоб-ахлоқ масалаларига оид қоидалар, шарқона донолик намуналари ҳамда қизиқарли воқеа ва ҳикоятлар шеърий шаклда баён этилган. Инсондаги ёмон хислатлардан кутулиш: нафс, абллаҳлик, замима (ёмон) хислатлар, мудбир (бадбаҳт)лик аломати, қаҳру ғазаб мазаммати, ҳорлик келтирадиган тўрт нарса (ишни охирини кўзламаслик, пушаймонлик, ишни чала қолдириш, ғам чекиш), нодонлик, ахмоқлик, фосиқ, баҳил, мунофиқлик, тошкўнгиллилик, шайтоний ишлар, ёлғизлик баёни ҳамда яхши хислатларни эгаллаш: жимлик фойдаси, холис (дилни ҳасаддан, тилни ёлғондан, амални, нафсни пок тутиш) амал, саодатлилик, оғиятлилик, тавозеъ, фақирлик фазилати, ақлу-оқиллик, оллоҳни зикр қилиш, одоб, панду насиҳат, тўрт нарсадан (ақл, илм, шукр, амал) камол топиш, тўрт нарса (тилдан учган калом, камондан отилган ўқ, қазо, умр) қайтарилмас, умрни ғанимат билиш, саховат, обрўни ошириш, турмуш тутиш, душмандан асраш, шодонлик, насиҳат, ғазаб пайти қаҳрни ютиш, яхшилар хизмати, садақа фазилати, меҳмон фазилати, ҳожат сўраш ва чиқариш, қаноат, сабр, эл-улусга ғамхўрлик, қариндош уруг зиёрати, футувват (мурувват), фақирлик, фафлатда қолмаслик баёни келтирилади. Хотимасида:

Ким буларни билса гар, оқил эрур,

Ҳам амал қилса агар, комил эрур [3; 141], – деб таъкидланади. Бир овоздан маънавий-ахлоқий тарбия мажмуаси сифатида тан олинган.

Бундан ташқари мактабларда Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳижиб асарлари дарслик сифатида фойдаланилган.

Саводхонлик ва арифметикадан сабоқ берувчи бошланғич мактаблар хусусий бўлган. Ҳақ тўлай олган оиласалар ўқитувчилар билан уйда шуғулланганлар. Агар киши олган таълимими давом эттиришни истаса мадраса – олий мусулмон мактабига кириши лозим бўлган. Таълим-тарбиянинг иккинчи ва учинчи босқичи мадрасаларда берилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ўрта асрларда таълим ва тарбия тизими ва мазмунини ўрганиш, аждодларимизнинг бизга қолдирган миллий ва умуминсоний қадриятлар негизидаги мероси илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак

маънавият ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва аксиологик ёндашувни оширади. Миллий таълим тизими ва мазмунини ўрганиш, шахсларда таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жуманазар, Абдусаттор. Бухоро таълими тизими тарихи [Матн] / А.Жуманазар. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 592 б.
2. Муминов А. Мавераннаҳрская школа фикха IX-XIII века // ОНУз. – Т.:1990, № 10. – С.41-42.
3. Чор китоб/ [Форсийдан Олим Бўри тарж.] – Т.: Чўлпон, 1992. – 160 б.
4. **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 9-жилд. Тўйчи Хоғиз – Шаршара. Таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005 – 123 б.

ЕСТЕСТВЕННО-НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ БЕРУНИ В ТРУДЕ «ПАМЯТНИКИ МИНУВШИХ ПОКОЛЕНИЙ»

Г.Ф.Хабибова

Ст.преподаватель кафедры Педагогики БухГУ

Аннотация: в данной статье освещены естественно-научные взгляды А.Р.Беруни в труде «Памятники минувших поколений»

Ключевые слова: наука, природа, достижение, культура, идея, учение.

Имя Абу Райхана Беруни, внесшего большой вклад в развитие многих отраслей знаний, прочно вошло в мировую науку. «Великий Хорезмиец», так называют Беруни в современной науке не только потому, что он уроженец Хорезма, но и потому, что как личность и как ученый он сформировался на почве древней хорезмийской культуры и науки.

Беруни известен не только своими выдающимися научными достижениями, но и передовыми по тому времени идеями и убеждениями, многие из которых сохраняют свое значение и по сей день. Многие мысли Беруни прямо противоречили господствующим в тогдашней науке воззрениям, понятиям и религиозно-мистическим представлениям о мире. Все это послужило причиной того, что его имя всячески замалчивалось в эпоху средневековья и не было столь широко известно, как имена его выдающихся современников. Тем не менее на Востоке ученые- специалисты в различных отраслях знаний всегда опирались на произведения Беруни, как на авторитет и «сокровищницу знаний». Но лишь в XIX в, в полной мере лишь в наше время, нашли свою подлинную оценку многие его смелые идеи и открытия.

Взгляды Беруни на природу и материю представляют большой интерес. Прежде всего это важно для определения и оценки взглядов на мир такого крупного ученого-естествоиспытателя, как Беруни, имеющего большие заслуги перед наукой в исследовании природы, в раскрытии ее тайн. Представляет также большой интерес рассмотрение влияния его научных представлений, его естественнонаучного подхода на формирование его мировоззрения. Проблема связи конкретных наук и общего взгляда на мир, мировоззрения, находит свое выражение прежде всего в этом.

Естественно-научные воззрения Беруни показывают, что ему, как никому из ученых-естествоиспытателей средних веков, удалось через все свои исследования удивительно последовательно по тому времени провести естественное объяснение исследуемых явлений, базирующееся на стихийно-материалистическом понимании природы.

Каких бы наук ни коснулся Беруни, исследованием каких бы явлений ни занимался, он объясняет их, исходя из самой природы, исходя из понимания ее независимого и самостоятельного существования, поскольку ему, как великому ученому, присуще на

Маънавий тақомилда мусиқанинг ўрни	
Дустов С.Д	119
Музыкально-эстетическое воспитание школьников в внеклассной работе	
Хабибова Г.Г, Камолова С	121
Музыкальное воспитания детей в семье	
Муродов С.Ш.	124
Культурологические аспекты изучения искусства Бухарского «Шашмакома»; традиции и новации	
Курбанова У.У	126
Педагогические воззрения Джалалиддина Давани	
Хайдаров А.А	128
Методы воспитания у детей интереса и любви к музыке	
Давронова М., Сайджонова Ф.	130
Алишер Навай покровитель искусства и музыки	
Курбанова Г.Н	132
Воспитание молодежи в духе национальной идеи средствами музыки и национальных ценностей	
Мустафаев Ш.Н, Чориева Д.И	134
Из истории культурной жизни Самарканда	
Миршаев У.	138
Мусиқа таълими ўқитувчисининг инновацион фаолияти	
Б.С. Сафаралиев, Х. Мамадамонов Роль устно-поэтического фольклора в воспитании патриотизма	140
СЕКЦИЯ 3. СОЦИО-КУЛЬТУРНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОСТРАНСТВА	
Литвак Р.А.	145
Универсальная модель социально-педагогической деятельности	
Ходжаев Б.Қ.	149
Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантиришга замонавий ёндашувлар	
Богдан С.В.	151
Генерирование социокультурного капитала личности в детском досуговом объединении	
Рубцов С.Г, Бобр Т.А.	156
Специфика воспитания детей с девиантным поведением в процессе социально-культурной деятельности	
Кадыров Р.Р, Л. А. Николаева	159
Этнокультурная идентичность в условиях современного общества	
В.И. Кравчук	162
Социально-культурный потенциал физкультурно-спортивной деятельности студентов ВУЗа	
Ахметова К.С.	165
Методологические основы ориентации студентов на культурные ценности	
Бозоров З.А.	169
Тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш ижтимоий- педагогик зарурат сифатида	
Исматова Н.Б.	171
Коммуникативная компетентность будущих специалистов как проблема образовательных учреждений	
Избуллаева Г.В, Шерназаров З.З.	173
XIII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача Мовароуннахр ва Хурсонда мактаб мазмуни	
Хабибова Г.Ғ.	176
Естественно-научные взгляды Беруни в труде «Памятники минувших поколений»	
Атахужаев В.	178